

TOSHKENT HAQIQATI

2026-yil
24-iyun
CHORSHANBA
№ 51 (13912)

viloyat ijtimoiy-siyosiy gazetasi

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24

Haqiqat online

haqiqatonline_

ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ – ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЭНГ ТАЪСИРЧАН МЕЗОНИ

Хар қандай раҳбар фаолиятининг энг муҳим кўрсаткичи – одамларнинг дардига қулоқ тутиши, уларни қийнаётган масалаларни жойида ўрганиб, аниқ ечимлар топишида намоён бўлади.

▼ Сайёр қабул

Ана шу тамойил асосида Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев раҳбарлигида навбатдаги сайёр қабул ўтказилди. Унда вилоят бошқарма ва ташкилотлари раҳбарлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, депутатлар, туман ва шаҳар ҳокимликлари мутасаддилари иштирок этди.

Қабулда 50 нафардан ортиқ аҳоли томонидан ер муносабатлари, уй-жой, коммунал хизматлар, бандлик, тадбиркорлики ривожлантириш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда инфраструктурилини яхшилаш билан боғлиқ қатор муҳим масалалар кўтарилди.

Хар бир муҳим масала юзасидан масъуллар иштирокида атрофича муҳокама ўтказилиб, қатор масалаларга шу жойнинг ўзида ечим берилди. Тажиба шуни кўрсатмоқдаки, бу

каби сайёр қабуллар оддий расмий тадбир эмас, балки одамларнинг йиллар давомида йиғилиб қолган муаммоларини ҳал этишга хизмат қиладиган самарали механизмга айланиб улгурган.

Айниқса, чекка ҳудудларда яшовчи фуқаролар учун раҳбарият билан бевосита мулоқот қилиш имконияти муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, сайёр қабулда фуқароларга қўлайлик яратиш мақсадида ZOOM платформаси орқали ҳам қабул ташкил этилди.

Сайёр қабулда айрим фуқароларнинг иш билан таъминланиши, ижтимоий ёрдам олиш ва муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан боғлиқ муҳим масалалар ижобий ҳал этилди.

Қўшимча ўрганиш талаб қиладиган масалалар эса тегишли ташкилотлар



раҳбарларига бириктирилиб, аниқ муддатлар белгиланган ҳолда назоратга олинди.

Халқнинг оғирини енгил қилишга қаратилган хар бир муҳим масала ортда бир инсоннинг тақдири, бир оиланинг умиди мужассам.

Бу каби қабуллар эса ана шу умидларни рўёбга чиқариш йўлидаги муҳим мулоқот майдонига айланмоқда.

Ўткир ҲОШИМОВ,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири
Жалолиддин ЭСОНОВ
олган суратлар



Viloyat bo'ylab

OHANGARON shahar "Oila va xotin-qizlar maskani"da O'zbekiston Respublikasi Bosh vaziri o'rinbosari – Oila va xotin-qizlar qo'mitasi raisi Zulayho Mahkamova boshchiligidagi keng qamrovli sayyor qabul tashkil etildi. Qabulda shaharning turli mahallalaridan kelgan fuqarolar o'zlarini o'ylantirayotgan ijtimoiy-iqtisodiy masalalar yuzasidan murojaat qilishdi. Ularda asosan yashash xonadonlarini ta'mirlash, ayollarning shaxsiy biznes va tadbirkorlik faoliyatini kengaytirish masalalari ko'tarildi. Aksariyat murojaatlar qonuniy asosda joyida hal etildi.

Toshkent viloyati Favqulodda vaziyatlar bosh boshqarmasi xodimlari tomonidan BO'STONLIQ tumanida joylashgan "Aloqachi" o'ramgohida dam olayotgan bolalar uchun "Fuqaro muhofazasi" mavzusida seminar tashkil etildi. Unda bolalarga favqulodda vaziyatlarda to'g'ri harakatlanish, yong'in va boshqa xavfli holatlarda o'zini tutish qoidalarini hamda birlamchi xavfsizlik ko'nikmalari haqida tushunchalar berildi.

"Nuroniy" jamg'armasi TOSHKENT viloyati bo'limida "Keksalar e'zoi – jamiyat ma'naviy barqarorligining muhim omili" mavzusida seminar bo'lib o'tdi. Tadbirda keksalarni har tomonlama qo'llab-quvvatlash va ularning jamiyat hayotidagi faolligini oshirish borasidagi ishlar tahlil qilinib, erishilgan natijalar va mavjud muammolar muhokama etildi. Piskent, Bekobod, Chinoz va Ohangaron tumanlarida keksalar bilan ishlash, ularning ijtimoiy himoyasini kuchaytirish, ma'naviy-ma'rifiy tadbirlarga keng jalb etish borasida to'plangan ijobiy tajribalar o'rganilib, kelgusi vazifalar belgilab olindi.

QUYI CHIRCHIQ tumanida "Besh tashabbus olimpiadasi" doirasida vorkaut musobaqasining tuman bosqichi bo'lib o'tdi. Asosiy maqsad – 30 yoshdan oshgan fuqarolar o'rtasida sog'lom turmush tarzini targ'ib qilish hamda ularning bo'sh vaqtini mazmunli tashkil etish edi. Bellashuvlar qizg'in va murosasiz kechdi. Ishitirokchilar o'zlarining mahorati, chaqqonligi va irodasini namoyon etdilar. Musobaqa g'oliblari keyingi bosqichda ishtirok etish yo'llanmasini qo'lga kiritishdi.

ZANGIOTA tumanidagi "Shodlik" mahallasi yoshlar yetakchisi Nizomiddin Muhitdinovning faoliyati respublika miqyosida e'tirof etildi. Yaqinda "Mahalla ko'zgusi" ilmiy-ommabop jurnalida uning yoshlar bilan olib borayotgan samarali ishlari haqida maqola chop etildi. Unda ta'kidlanganidek, N.Muhitdinov faoliyatining ilk kunlaridanoq mahalladagi har bir yosh bilan individual ishlashga alohida e'tibor qaratdi. Mahallada yoshlar birligini ta'minlash, ularni tadbirkorlik va dehqonchilikka jalb etish borasida salmoqli natijalarga erishildi.

ТАШРИФ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯКУНЛАНДИ

Бошқирдистон Республикаси Тадбиркорлик ва туризм масалалари бўйича вазири Светлана Верещагина бошчилигидаги делегациянинг Тошкент вилоятига амалий ташрифи муваффақиятли якунланди.

▼ Ҳамкорлик

Уч кун давом этган ташриф доирасида меҳмонлар вилоятнинг сайёҳлик масканлари, дам олиш мажмуалари, экологик ва гастронимик туризм йўналишлари ҳамда инвестициявий салоҳияти билан яқиндан таниш-

дилар. Ташрифнинг сўнгги кунда делегация Ангрен шаҳрида бўлиб, ҳудуддаги истиқболли лойиҳалар ва саноат туризми имкониятлари билан танишди.

Томонлар туризм соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш ва икки ҳудуднинг сайёҳлик салоҳиятини



халқаро майдонда биргаликда тарғиб қилиш бўйича кели-

шувларга эришди-

лар. Мазкур ташриф Тошкент вилояти ва Бошқирдистон Республикаси ўртасидаги ҳамкорликни янги bosqichga олиб чиқишда муҳим қадм бўлди.

Тошкент вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати



ЧИРЧИҚЛИКЛАРГА ТУХҒА

▼ Қулайлик

Чирчиқ шаҳридаги "Бирлик" маҳалласи ҳудудида Президентимизнинг топшириқларига мувофиқ "Ўзйўлқўприк" кластери ДМ томонидан пиёдалар учун ер ости йўли қурилди.

Мазкур иншоотнинг кириш ва чиқиш йўлакларининг ҳар бири 23 метр, ички қисмининг узунлиги эса 41 метрни ташкил этади.

Янги ер ости йўли ҳудудда пиёдалар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, аҳолига қулайлик яратиш ҳамда транспорт қатнови юқори бўлган ҳудудларда хавфсиз ҳаракатланишни йўлга қўйишда муҳим аҳамият касб этади.

Тошкент вилояти ҳокимлиги
Ахборот хизмати



ТАЖРИБА ВА ЯНГИ ҚАРАШЛАР МАЙДОНИ

▼ Медиа ҳафталик



Тошкент вилоятида Ўзбекистон медиа соҳаси учун катта янгилик бўлган кенг қамровли "Медиа ҳафталик" лойиҳасига старт берилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Оммавий ахборот воситалари учун контент тайёрлаш маркази ташаббуси билан Тошкент вилояти ҳокимлиги, Ёшлар ишлари агентлиги ва Журналистлар уюشمаси ҳамкорлигида ташкил этилган ҳафталик журналистлар, блогерлар, ОАВ ва ижтимоий тармоқларда фаол иштирок этувчиларни бирлаштириб, ахборотга бўлган қизиқиш ва ижодий ёндашувни янада кучайтиришни мақсад қилган.

2

▼ Бир контур – бир маҳсулот

ЁШЛАР УЧУН ЯНА БИР ИМКОНИЯТ

Сўнгги йилларда мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш, ишсизликни қисқартириш ва ер ресурсларидан самарали фойдаланиш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, "Бир контур – бир маҳсулот" дастури доирасида ишсиз ёшларга ер майдонларининг имтиёзли асосда узок муддатга ижарага берилаётгани қисқа вақтда натижасини бермоқда.

4



Маълумки, бугунги кунда ахборот оқими мислсиз даражада тезлашиб, глобал медиа маконида рақобат тобора кучайиб бормоқда. Бундай шароитда жамиятта тезкор, холис ва ишончли ахборот етказиш журналистлар, блогерлар ҳамда матбуот хизматлари зиммасига катта масъулият юклатмоқда.

Шунинг учун медиа соҳаси вакилларининг касбий маҳоратини ошириш, замонавий

вий медиа муҳитидаги янги тенденциялар, ахборот хавфсизлиги ва ишончли контент яратиш масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

– “Медиа ҳафталик”ка оддий тренинг сифатида қараш нотўғри бўлади, – дейди эксперт Беруний Алимов. – Биринчи куннинг ўзиёқ шуни кўрсатди – бу ерда формат эмас, медиага бўлган ёндашув ўзгаряпти. Энг аввало, эътиборни тортадиган жиҳат ауди-

ди, вазиятлар кейслар орқали тушунтириб берилди.

– Тренингларда «Нима қилиш керак?» эмас, «Қандай яхшироқ қилиш мумкин?» деган масала ўртага ташланди, – дейди Оҳангарон тумани ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари Элёр Ўтбосов. – Масалан, босма ва интернет журналистикасида контент муаммоларини таҳлил қилишдан бошлаб, таҳлилий репортаж тайёрлашгача бўл-

уюшмаси Тошкент вилояти бўлими раиси Раҳматилла Шералиев. – Ушбу платформа доирасида иштирокчилар замонавий журналистика, ахборот хавфсизлиги, контент яратиш, фактчекнинг ва рақамли коммуникациялар бўйича билимларини бойитиш имконига эга бўлишмоқда. Шу билан бирга, соҳа вакиллари ўртасида тажриба алмашиш, муваффақиятли амалиётларни ўрганиш, янги

рини сенатор, “Ишонч” ва “Доверие” газеталари бош муҳаррири Хусан Эрматов ҳамда Журналистларни қайта тайёрлаш маркази директори ўринбосари Нозима Тошпўлатова олиб боришди.

Куннинг биринчи ярмида “Ишонч” газетаси мисолида конвергент тахририят яратиш масалалари кўриб чиқилди. Унда газета чоп этиш билан бирга, унинг Telegram, Instagram, Facebook ҳамда



ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш ҳамда инновацион ғояларни илгари суриш учун қулай муҳит яратилаяпти. Бу

Youtube платформаларини ҳам яратиш, уларга мос контент тайёрлаш масалалари муҳокама қилинди. Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Куннинг иккинчи ярми ҳам қизиқ жараёнлар билан бошланди. Нозима Тошпўлатова томонидан ижтимоий тармоқлар учун қисқа ва лўнда, аудитория учун тушунарли бўлган ахборотлар тайёрлаш, уларни узатиш, ижтимоий тармоқларни юриштиш тартиби ва қоидалари тушунтириб берилди. Шунингдек, амалий машғулотларда Telegram учун хабар, Instagram учун расмли контент яратилди, бунинг учун керак бўладиган дастурлар билан ишланди. Журналистлар тезкор ҳалоллик тестидан ўтишди. Коррупция ҳолатларни ёритиш бўйича муҳим кейслар тақдим этилди.

Маълумот учун: “Медиа ҳафталик” 25 июнга қадар давом этади. Соҳа вакилларини олдинда бунданга қизиқарли мавзулар ва амалий машғулотлар кутмоқда.

НОЗИМА РАСУЛОВА,
“Тошкент ҳақиқати”
муҳбири
Жалолиддин ЭСОНОВ
олган суратлар

▼ Давра суҳбати

ҲАМИША ХУШЁРМИЗ!

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги вилоят бошқармасида меҳнат қилаётган хотин-қизлар иштирокида давра суҳбати ташкил этилди. Унда ходимларнинг ишдан бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, соғлом турмуш тарзи, оила ва жамиятда аёлнинг ўрни, шунингдек, соҳа ходимларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалалари муҳокама қилинди.

Бугунги кунда бошқармада 300 нафардан зиёд ходим фаолият юритмоқда, уларнинг 25 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Бошқарма ходимлари мамлакат фитосанитар хавфсизлигини таъминлаш, зарарли организмлар кириб келишининг олдини олиш, экспорт ва импорт маҳсулотларини карантин на-

воб бермайдиганларини аниқлаб, уларнинг тарқалишига йўл қўймаслиқдир. Бу катта масъулият ва доимий ҳушёрликни талаб этади.

Мулоқот давомида ходимлар касбага уюшмасининг ижтимоий қўллаб-қувватлаши ҳақида ҳам мамнуният билан фикр билдиришди. Жумладан, байрам муносабати билан



зоратидан ўтказиш каби вазифаларни масъулият билан бажариб келишмоқда.

– Бугунги давра суҳбати бизда катта қизиқиш уйғотди, – дейди “Келес” темир йўл чегара божхона пости инспектори Зулфия Аҳмедова. – Қарийб саккиз йиллик меҳнат фаолиятим давомида турли вазиятларга дуч келганми. Асосий вазифамиз мамлакатга кириб келаётган ва чиқиб кетаётган ўсимлик маҳсулотларини синчиклаб текшириш, фитосанитар талабларга жа-

тақдим этиладиган совғалар, соғломлаштириш сихатгоҳлари ҳамда болалар оромгоҳларига берилаётган йўлланмалар ходимларнинг қайфияти ва меҳнат унумдорлигини оширишга хизмат қилаётгани таъкидланди.

Тадбир якунида иштирокчилар иш тажрибалари билан ўртоқлашишди, шунингдек, ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан атрафлича жавоб олдилар.

НИГОРА ҲОҲИЛОВА,
“Тошкент ҳақиқати”
муҳбири

ТАЖРИБА ВА ЯНГИ ҚАРАШЛАР МАЙДОНИ

ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш кўникмаларини мустаҳкамлаш ҳамда янги медиа тенденцияларини чуқур ўзлаштириши муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, рақамли платформалар, сунъий интеллект воситалари ва ижтимоий тармоқларнинг таъсири ортиб бораётган бугунги даврда соҳада фаолият юритаётган мутахассислардан юқори профессионаллик ва доимий изланиш талаб этилмоқда.

Иштирокчилар ҳафталикнинг биринчи кунинда замонавий журналистика, рақамли медиа, контент яратиш, сунъий интеллект технологияларидан самарали фойдаланиш, ахборотни истеъмолчи ва яратувчи сифатида текшириш, фактчекнинг инструментлари, сиёсий жараёнларни ёритишда журналист позицияси каби мавзуларда соҳа мутахассисларидан назарий билимлар олиб, амалиётда мустаҳкамлашди.

Сунъий интеллектми ёки инсон омили? Фактчекнинг ёки дезинформация? Рақамли дунёда тарози палласи қайси томонга оғмоқда? Тренинглар давомида айнан шу каби долзарб саволлар атрофида қизгин муҳокамалар бўлиб ўтди. Иштирокчилар замона-

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

тория таркиби. Бу ерда фақат журналистлар эмас, балки муҳаррир, муҳбир, оператор ва монтажчи каби контент яратиш занжирининг барча бўғини жамланган. Бу эса ўқув жараёнини бир томонлама эмас, комплекс тарзда ташкил

ган жараён бир тизим сифатида қўриляпти. Телевидение йўналишида эса алоҳида бир тенденция сезилди: оператор ва монтажчи шунчаки техник ижрочи эмас, балки контент муаллифининг бир қисми сифатида қаралаяпти. Бу ҳудуд



этиш имконини берапти.

Куннинг иккинчи ярмида муҳокама қилинган мавзулар эса медиа соҳанинг энг оғриқли нукталари – ахборот хавфсизлиги, рақамли гигиена, сиёсий жараёнларни ёритишда аниқлик ва масъулият каби мавзулар доирасида бўлди. Шунингдек, ахборот хизматини қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тартибга солиш, соҳада учраётган муаммолар, ташкилот имижини шакллантириш каби масалалар юзасидан фикр алмашил-

дий медиа учун жиддий сифат ўзгариши демакдир. Ахборот хизмати соҳасининг назорат жиҳатлари мисоллар билан тушунтириб берилди. Энг муҳими, тайёр жавоблар берилмаяпти. Савол қўйилаяпти, вақт берилаяпти ва ечимни ўзими топишга интиляпмиз. Бу тажриба ошириш учун замин яратмоқда.

– Мазкур ҳафталик медиа соҳаси ходимлари учун муҳим ўқув ва мулоқот майдони вазифасини бажараяпти, – дейди Ўзбекистон Журналистлар

эса мамлакатимизда медиа соҳасининг янада ривожланиши, ахборот сифатининг ошиши ва жамоатчилик билан самарали мулоқотни таъминлашга хизмат қилади.

Медиа ҳафталикнинг иккинчи кунини босма оммавий ахборот воситалари учун қизиқ мавзулар ҳамда амалиёт билан бойитилган, касбий салоҳиятни оширишга хизмат қиладиган ва профессионал ривожланиш учун муҳим пойдевор бўладиган билим ҳамда кўникмаларга бағишланди. Маҳорат дарслар

ИСЛОҲОТЛАР МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ

▼ Еттилик тизими

Бугун Тошкент вилоятида ҳам маҳаллабай ишлаш тизими янги босқичга кўтарилиб, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг бош мезонига айланган. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Тошкент вилояти бошқармаси томонидан ҳаётга татбиқ этилаётган лойиҳалар ва ҳудуддаги реал статистик кўрсаткичлар бу жараённи яққол тасвирлаб беради.

Вилоятда бугунги кунда 883 та маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолият юритмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги якунларига кўра, вилоят маҳаллаларида “еттилик тизими”нинг фаолиятини самарали ташкил этиш орқали бир қанча ижобий натижаларга эришилди.

Маҳаллаларда “Рақамли маҳалла” платформаси бандлик дастури доирасида 60 минг 330 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди, 536 та маҳалла ишсизликдан ҳоли ҳудудга айланди.

Платформа маълумотларига кўра, миграциядан қайтган фуқаролардан 10 минг 803 нафарининг бандлиги таъминланган. Уларнинг 5 минг 518 нафари ўзини ўзи банд қилганлар ҳиссасига тўғри келади. Шунингдек, 2 минг 393 нафари расмий секторда ва 405 нафари норасмий секторда фаолият юритмоқда. Бундан ташқари, қайтган мигрантларнинг 442 нафари яқка тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган, 188 нафари имтиёзли кредит олган, 156 нафари касб-хунарга ва



Сўнгги йилларда мамлакатимизда “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили асосида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Чунки, маҳалла – давлат билан фуқаро ўртасидаги энг яқин, энг ишончли кўп-рик. 2026 йилни “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб номланишидан мақсад ҳам маҳаллага янада тараққиёт ва ободлик олиб киришдир.

тадбиркорликка ўқитилган.

Қолаверса, жойларда “маҳалла еттилиги” аъзолари аҳоли билан ишлаш ва оилаларни камбағалликдан чиқариш борасида ҳам кенг қўламли ишларни бажаришмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йилда қабул қилинган тегшли қарорига асосан, камбағал оилаларнинг меҳнатга лаёқатли аъзолари билан индивидуал ижтимоий шартномалар тузиш орқали бандлиги таъминланмоқда. Уларга томорқадар унумли фойдаланиш, уйнинг сани-тар ҳолатини яхшилаш борасида вазифалар белгилаб берилмоқда.

Вилоятда бугунги кунга қадар мазкур қарор асосида 27 минг 414 нафар оила вакиллари билан шу каби шартномалар имзоланган. Шундан 12 минг 719 нафарининг фаолияти мониторинг қилинган.

Маҳаллаларда оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида кичик бизнес лойиҳаларига имтиёзли кредитлар йўналтирилган. Шу билан бирга, “Темир дафтар” ва “Аёллар дафтари” орқали кўрсатилган манзилли ёрдамлар натижасида минглаб оилалар эҳтиёжмандлик даражасидан чиқарилди.

Бундан ташқари, ҳудудларда “Рақамли маҳалла” платформасини жорий этиш ишлари тўлиқ якунланиб, “маҳалла еттилиги”нинг самарали фаолият юритиши учун қулай рақамли муҳит яратилди. Соҳадаги ортқиқча қўғозбозлик ва вақт сарфига чек қўйилди. Эндиликда еттилик вакиллари аҳоли хатловлари, ижтимоий дафтарлар ва фуқаролар мурожаатлари билан реал вақт режимида, масофавий қурилмалар орқали тезкор ва шаффоф ишлаш

имкониятига эга бўлишди. Бу эса маҳалла даражасидаги муаммоларни жойида аниқлаш ва манзилли ҳал этиш сифатини янги босқичга олиб чиқди.

Маҳаллаларда аҳолининг бандлигини таъминлаш мақсадида «Маҳаллада менинг иш ўрни» дастури доирасида Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида йирик саноат корхоналари (масалан, “Ангрен эркин иқтисодий зонаси”) маҳаллалардаги касаначилар ва касаначилик марказлари билан боғланди. Бу, айниқса, уйда ўтирган хотин-қизлар ва имконияти чекланган шахслар учун доимий даромад манбаи бўлди.

Албатта, аҳоли фаровонлиги билан бир қаторда атроф-муҳит масаласи ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида Тошкент

вилояти маҳаллалари уюшмаси бошчилигида жорий мавсумда хонадонларда 45 минг тупдан ортқик, кўча бўйидаги торморқаларга эса 1 млн. тупдан зиёд мева ва манзарали дарахт кўчатлари ва 194 минг донадан зиёд ток кўчатлари экилиб, 145 та янги боғ барпо этилди. Ҳар бир дарахтга маҳалла фаоллари ва ёшлар масъул этиб бириктирилди.

Маҳалла қадимдан халқимизнинг асрий қадриятлари, анъаналарини аждодлардан авлодларга етказиб беришда муҳим аҳамият касб этадиган маскан ҳисобланади. Инсон дунёга келиб, илк ижтимоий тарбияни, одоб-ахлоқ сабоқларини оиласида, кейин маҳалла муҳитида олади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда маҳаллаларда аҳоли иштирокида маънавий-маърифий, спорт, саломатлик тадбирлари мунтазам

амалга оширилмоқда. Шунингдек, “Уч авлод учрашуви”, “Нуронийлар ёшлар нигоҳида”, “Бобонинг айтишича”, “Бувижоним ўғитлари” каби мавзуларда давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказиб келинмоқда.

Бу қадриятлар ёшлар тарбияси нафақат битта оиланинг, балки бутун жамоатчиликнинг бурчи эканини англатади. Маҳалла аҳли бир-бирини яхши таниганлиги сабабли, ушбу муҳитда ўзаро ишонч ва хавфсизлик юқори бўлади.

Маҳаллаларда ютуқлар билан бир қаторда ҳали ечимини кутаётган масалалар ҳам йўқ эмас. Вилоятнинг айрим чекка ҳудудларида инфратузилма (ички йўللار, ичимлик суви ва электр таъминоти) билан боғлиқ муаммолар маҳаллабай тизимининг тўлиқ қувват билан ишлашига тўсқинлик қилмоқда.

Шунингдек, “еттилик” тизимининг айрим аъзолари ўртасида ҳали ҳам бюрократик ёзишмалар ва турли расмий-чиликлар сақланиб қолмоқда. Ислохотларнинг янги босқичи маҳалла фаолларидан нафақат рақамлар ортидан қувиш, балки ҳар бир хонадоннинг ички муҳитига кириб боришни талаб этади.

Тошкент вилояти маҳаллаларида кузатилаётган бугунги ўзгаришлар шуни кўрсатадики, маҳалла – шунчаки яшаш жойи эмас, у иқтисодий ўсиш ва ижтимоий барқарорликнинг энг асосий нуқтасидир. Маҳалладан бошланган ислохотлар эса мамлакатнинг янги қиёфасини белгилаб бермоқда. Агар маҳаллалар обод, фуқаролар рози бўлса, жамиятда тинчлик, барака ва юксалиш бўлади.

ШОИРА АХУНЖОНОВА,
Демократик жараёнларни таҳлил қилиш маркази Тошкент вилояти ҳудудий бўлинмаси етакчиси мутахассиси

Мохир журналист
Зарифжон Муҳаммаджонов
“Тошкент ҳақиқати”
газетаси таҳририятида
ишлаган ёш ходимларни
ҳамиша ва ҳар томонла-
ма қўллаб-қувватлаган
инсонлардан бири эди.
Таҳририятнинг ахборот,
спорт ва ҳарбий-ватан-
парварлик бўлимига мудир
бўлиб ўтганимда, бу ишни
эплай олармиканман,
деган фикр миямда чарх
ураверарди. Шунда бў-
лимда катта мухбир бўлиб
ишлайдиган устоз далда бе-
риб, йўл-йўриқлар кўрсат-
ган эди. Зарифжон аканинг
ёганлари ҳеч қачон таҳри-
рият котибиятида навбат
кутмасди. Бош муҳаррир
Аҳмад Исмоиловнинг
ёрдами билан ўтган аср-
нинг етмишинчи йиллари
охирига бориб, ахборот бў-
лими тажриба ва маҳорат
мактабига айлантирилди.
Таҳририятга келган янги
ходимларнинг аксарияти
айнан шу бўлимдан иш
фаолиятларини бошлар-
дилар.

Зарифжон Муҳаммаджонов-
нинг дуосини олиб, бўлимда
чархланганларнинг келажаги жуда
ҳавас қиларли бўлди. Шулардан
бири Адолат Носирова. Адолат
— гапга полвон аёл. Гап келганда
отасини ҳам аямайдиган, ишига
пишиқ эди. Ташкилотчиликни За-
рифжон устозидан ўрганган Адо-
лат кейинчалик Тошкент шаҳар
Учтепа тумани ҳокими ўринбосари
бўлди. Мустақилликдан кейин
мамлакатимизда биринчилардан
бўлиб хусусий мактабгача таълим
ташкилотига асос солди.

Бўлимда жуда сермахсул ижод
қилганлардан яна бири Фатхиддин
Муҳиддинов. У Зарифжон аканинг
дуосини кўп олган. Фикри теран,
мулоҳазали, қалами чархланган бу
йигит билан ишлаш мароқли эди.
У тинимсиз изланар, жуда кўп ки-
тоб ўқирди. Айни вақтда бўлимда-
ги энг мураккаб топшириқларни
ўз зиммасига олишга ҳаракат
қиларди. Шу сабабли ҳам пухта
ижодкор сифатида тезда эътибор
қозонди. Бош муҳаррир Аҳмад
Исмоиловга, биринчи устози За-
рифжон Муҳаммаджоновга чин
ихлос қўйган бу йигит кейинчалик
вилоят ҳокимлигида ишлади,
узок йиллар “Тошкент ҳақиқати”
таҳририятига раҳбарлик қил-
ди. Нуфузли идорада фаолият
юртди. Ҳозир ҳам масъул ва-
зифада ишлайди.

Таниқли журналист Эркин
Эрнazarов эса “Тошкент ҳақиқа-
ти” таҳририятига Янгийул ту-
мани газетасидан келган эди.
Бўлимда ишлаб, катта тажриба
орттирди. Унинг мақолалари де-
ярли таҳрир қилинмасди. Туман-
да ишлаб юрган кезларида ҳам
унинг таҳририятимизга юборган
мақолаларига камдан кам қа-
лам теккизиларди. Шу боис За-
рифжон Муҳаммаджоновнинг
қистови билан уни таҳририятга
ишга таклиф қилганман.

Эркин Эрнazarов амал пил-

“ҲАҚИҚАТ”ЧИ ЗАРИФЖОН АКА... ва унинг издошлари

лапояларидан жуда тез кўтарил-
ди. Дастлаб таҳририятнинг энг
катта бўлимини бошқарди. Сўнгра
вилоят партия кўмитасида ишла-
ди. “Тошкент оқшоми” газетасига
кўп йиллар бош муҳаррир бўлди.
Тошкент шаҳар ҳокимининг, мада-
ният вазирининг ўринбосари лаво-
зимларида фаолият кўрсатди.

Университет аудиториясидан
тўғри таҳририятимизга ишга кел-
ган бекободлик Абдунаби Ҳайда-
ров ҳам устознинг этагини маҳкам
тутди. Иш ўрганди, муомала ма-
даниятини ўзлаштирди. Касбига
меҳр қўйди. Кейинчалик унинг
бутун умри газета таҳририятлари
билан боғлиқ бўлди. Хизматлари
муносиб тақдирланди. “Ўзбекис-
тонда хизмат кўрсатган журна-
лист” фахрий унвонига сазовор
бўлди.

Таҳририятнинг бошқа бўли-
мида ишлаган Абдукарим Раҳим-
бердиев ҳам Зарифжон аканинг
дуосини олганлардан эди. У Бус-
тонлик туманидан келиб ишлар-
ди. Қалами чархланган, ўзига хос
ёзиш услуби бор эди. Унинг “Тош-
кент ҳақиқати” таҳририятига ке-
лишига битта мақоласи сабабчи
булган.

Одатда, йил охирлаганда, бў-
лимлардаги ҳамма хатлар билан
ҳисоб-китоб қилинарди. Эски йил-
нинг хатлари янги йилга ўтмас-
лиги лозим. Таҳририятларда ана
шундай ёзилмаган қонун бўларди.
Бу эса, ўз навбатида, янги йилнинг
дастлабки кунларида материал
танқислигига олиб келарди.

Янги йилнинг биринчи иш куни
Бўстонликдан хат келди. Унда
Абдукарим Раҳимбердиевнинг
“Сунбула тушган кеча” сарлавҳа-
ли мақоласи бор эди. Мавзу жуда
долзарб: шаҳарга иш қидириб
борган ёшларнинг яна қишлоққа
қайтиши. Мақола жуда равон
ёзилган. Фақат ҳажми кичикроқ,
Зарифжон ака муаллифга қўнги-
роқ қилиб, янги факт ва мисол-
ларни сўраб олди. Биргалашиб
қайта ишладик. Эртасига каттаги-
на мақола газета юзини кўрди ва
жуда юқори баҳоланди. Мазкур
мақола ўз муаллифини маълум
ва машҳур қилди десак, муболаға
бўлмайди. Кейинчалик Абдукарим
Раҳимбердиев “Халқ сўзи” газета-
сини ташкил этишда қатнашди ва
янги таҳририятда бош муҳаррир
ўринбосари вазифасида фаоли-
ят юритди. “Оила ва ҷамият” га-
зетаси бош муҳаррири, Тошкент
вилояти ҳокимининг ўринбосари
лавозимларида ишлади.

Хуллас, Зарифжон аканинг
қимга меҳри тушган бўлса, кам
бўлмади. Абдурахим Абдуллаев
республика ёшлар ташкилоти-
да, Миракмал Миралимов Олий
Мажлисда, Аббор Ғуломов Ташқи
ишлар вазирлигида, Аҳмад Бобо-
беков прокуратура органларида,
Зулхумор Жўраева маҳалла бош-



қаруви тизимида, Рустам Ғаниев
Ўзбекистон телерадиокомпания-
сида самарали ишладилар.

Зарифжон ака Кумуш Эгамбер-
диевани ҳам, шу қизинг келажа-
ги бор, деб ҳамиша мактар эди.
Устознинг гапларига фаришталар
омин деган бўлса, ажаб эмас.
1981 йилда ўрта мактабни бити-
риб, “Тошкент ҳақиқати” газетаси
таҳририятига ишга келган қизча
тез орада кўпчиликнинг эътибори-
га тушди. Келишган, гап-сўзлари
маънили, ҳозиржавоб, ҳазилқаш.
Кумуш, деб мурожаат қилинса, Аб-
дулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар”
романидаги қаҳрамонга ишора
қилибми, “Мен ўша”, дерди. Лато-
фатда Марғилоннинг Кумушидан
қолишмайдиган Тошкентнинг қизи
эди. Илтифот қилган ҳамкасб йи-
гитларга бепарволиги ҳам унинг
фазилатларига фазилат бўлиб қў-
шилларди...

Ёш ходим бор эътиборини ўз
ишига қаратарди. Бўлимда ишла-
ган устозлари Солиҳа Каримова,
Зарифа Эшонқонова, Эътибор
Мамажонов, Фарид Байкова
каби опаларидан касб сир-асрор-
ларини кунт билан ўрганди. Мак-
табда яхши ўқиганлиги боис, матн-
лардаги хато ва камчиликларни
жуда тез илғаб олар, бамаслаҳат
тузатишлар қиларди.

Таҳририятда иш қизигандан
қизиб бораверарди. Шундай кез-
ларда биз, ёш ходимлар матн
ўқишга ёрдамлашиб юборардик.
Саҳифадаги маттни аслият билан
солиштириб ўқиш учун икки киши
талаб қилинарди.

Газета ҳар куни чоп этилар,
одатда, деярли ҳар бир сонга
марказда бўладиган олиймақом
даражадаги учрашув ва қабуллар
тафсилоти оид узундан-узун
ахборотлар, Иттифоқ раҳбарла-
рининг нутқ ва мактублари тун яр-
мидан оққанда расмий алоқа ка-

наллари орқали махсус грифлар
билан юборилар эди. Буларнинг
ҳаммаси бир бўлиб, газета чоп
этилишини тонгортага қадар чў-
зар, табиийки, қунда-қунора так-
рорланиб турадиган уйқусиз кеча-
лардаги бунақа бошғорик иш ҳар
қандай мустаҳкам асаб эгасига
ҳам барибир малол келадиган
пайтлар бўларди.

Кумуш Эгамбердиева 45 йил-
дики, “Тошкент ҳақиқати” газета-
си таҳририятда ишлаб келмоқда.
Бу йиллар давомида унинг меҳна-
ти муносиб тақдирланиб, давлат
мукофотларига сазовор бўлди.
Гарчи, олий маълумотни универ-
ситетда олган бўлса-да, бу дар-
гоҳ унга академия вазифасини
ўтади. Шунча йиллик тажрибаси
бўлса-да, у тинимсиз ўқийди, из-
ланади. Турли номдаги лугатлар,
адабиётлар ҳақида унинг иш сто-
ли устида туради. Иш жараёнида
бирорта савол туғилдими, китоб
варақлайди, лугатларни очиб
кўради. Ҳар бир сўз ва иборани
ўз ўрнида ишлатади. Ҳозир ҳам
аввалгидек, маттни Кумуш ўқиса,
ҳамкасбларнинг кўнгли тўқ.


Устоз отандан улуг, деган
мақол бор. Ўша йилларда бош
муҳаррир Аҳмад Исмоиловнинг
ташаббуси билан ахборот бўлими
негизда яратилган тажриба ва
маҳорат мактабининг мударриси
айнан Зарифжон Муҳаммаджонов
эди.

Бугун биз – ўтган асрнинг ет-
мишинчи-саксонинчи йилларида
“Тошкент ҳақиқати” газетаси таҳри-
риятда ишлаганлар йиғилишиб
қолсак, устозларни фахр-ифтихор
билан эсга оламиз. Гап Зарифжон
Муҳаммаджонов ҳақида кетгани-
да, барча баробар хуш кайфият
оғушида бўлади.

Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
ёшлар мураббийси

Ҳар бир муштарий
қўлига газетанинг ян-
ги сонини олганида
эътиборини авва-
ло мақолаларга қа-
ратади. Аммо ўша
саҳифаларнинг ор-
тида қанча меҳнат,
машаққат ва фидойи-
лик мужассам эканини
кўпчилик ўйлаб ҳам
кўрмайди. Га-
зетанинг ҳар бир саҳифаси
кўплаб инсонларнинг
заҳмати билан дунё
юзини кўради. Шундай
“саҳна орти қаҳрамон-
лари” борки, улар ўз
умрини матбаачилик
касбига бағиш-
лаб, нафақат бир корхона,
балки бутун бир соҳа
тарихини яратганлар.
Ўрта Чирчиқ тумани
босмахонасининг кўп
йиллик раҳбари,
матбаачилик соҳаси-
нинг фидойиси Жўрабой
Аширов ана шундай инсон-
лардан эди.

МАТБАА ОТАХОНИ



“Машъал” газетаси бир неча мар-
та республика танловларида юқо-
ри ўринларни эгаллади.

Меҳнат қилган инсон, албат-
та, қадр топади. Жўрабой Аширов
бир неча бор вилоят ва респу-
блика миқёсида рағбатлантирилди.
“Машъал” газетасининг 50 йиллиги
муносабати билан унга “Ўзбекис-
тонда хизмат кўрсатган маданият
ходими” фахрий унвони берилди.

Унинг раҳбарлигидаги босма-
хона кейинчалик “Jo’ra Print” номи
билан нафақат Ўрта Чирчиқ,
балки Бўка, Оққўрғон, Пискент,
Бекобод, Паркент, Юқори Чирчиқ
туманлари ва Ангрен шаҳрида чоп
этиладиган газеталарни ҳам юқо-
ри полиграфик сифат билан нашр
этиб келди. Бу эса Жўрабой Аши-
ровнинг ташкилотчилик салоҳия-
ти, узокни кўра билиши ва касбига
муҳаббатининг амалий натижаси
эди.

Эътиборли жиҳати шундаки,
унинг сеvimли касби оиласида
ҳам давом этди. Қизи Машқурахон
ва набираси Жаҳоир ҳам мат-
баачиликни танлаб, шу даргоҳда
самарали меҳнат қилдилар. Бу эса
касбга ҳурматнинг авлоддан-ав-
лодга ўтадиган маънавий меросга
айланганидан далолат беради.

Матбаа машиналари овози ти-
ниб қолиши мумкин. Газета саҳи-
фалари сарғайиши мумкин. Аммо
халол меҳнат билан қолдирилган
излар ҳеч қачон ўчмайди.

Жўрабой Аширов ана шундай
из қолдирган инсонлардан бири
эди. У киши фақат газеталарни
чоп этмади, балки матбаачилик
маданиятини юксалтирди, кўплаб
инсонларга касб сирларини ўргат-
ди, бутун бир соҳанинг ривожига
муносиб ҳисса қўшди.

Бугун Ўзбекистон оммавий ах-
борот воситалари ходимлари куни
арафасида ана шу меҳнат фидо-
исининг номини эҳтиром билан
ёд этар эканмиз, унинг ҳаёт йўли
барчамиз учун бир ҳақиқатни яна
такрор эслатади: касбин улугълай-
диган нарсга лавозим эмас, унга
бўлган садоқатдир. Шундай ин-
сонлар бор экан, меҳнатнинг ҳам,
матбуотнинг ҳам қадри ҳеч қачон
пасаймайди.

Маъмуржон БОЗОРАЛИЕВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси

Tarixga nazar tashlasak, har bir texnologik inqilob mehnat bozoriga o'z ta'sirini o'tkazganini ko'ramiz. Bug' mashinasi paydo bo'lgach, ko'plab jismoniy mehnat turlariga ehtiyoj kamaydi, biroq mashinist va muhandislar uchun yangi imkoniyatlar yaratildi. Kompyuterlar yozuv mashinkalarini siqib chiqardi, ammo dasturchi, grafik dizayner va boshqa zamonaviy mutaxassisliklarning shakllanishiga zamin yaratdi. Bugun insoniyat navbatidagi katta o'zgarish – sun'iy intellekt davriga qadam qo'yimoqda. Xo'sh, u mehnat bozorini qanday o'zgartiradi, qaysi kasblarga talabni kamaytiradi-yu, qaysi yangi yo'nalishlarga ehtiyoj tug'diradi?

▼ Raqamli dunyo

Oksford universiteti va McKinsey tadqiqotlariga ko'ra, 2030 yilga bo'rib bugungi ish o'rinlarining qariyb 30 foizi avtomatlashtirilishi mumkin. Bu esa kasblarning butunlay yo'qolishini emas, balki ularning mazmuni va vazifalari o'zgarishini anglatadi. Mutaxassislarning ta'kidlashicha, avvalo, takroriy va standart vazifalarni bajarishga asoslangan sohalar o'zgarishga yuz tutadi. Bugun tajimlonlar, texnik matn

muharrirlari, buxgalterlar va ayrim tahlilchilar faoliyatining katta qismi allaqachon sun'iy intellekt yordamida bajarilmoqda.

Ijodiy yo'nalishlar ham bundan mustasno emas. Dizaynerlar, kopirayterlar, bastakorlar va fotografiyalari bilan ishlovchi mutaxassislarning texnik vazifalari sekin-asta avtomatlashtirilmoqda. Zamonaviy dasturlar suratlarini tahrirlash, fonn almashirish yoki

SUN'Y INTELEKT ISHSIZLIK MANBAIMI yoki yangi imkoniyatlar eshigi?

tasvirni qayta tiklash kabi ishlarni bir necha soniyada bajarishga qodir. Huquqshunoslik va moliya sohalarida ham oddiy hujjatlarini tahlil qilish, shartnomalarni tekshirish yoki ma'lumotlarni saralash kabi vazifalarni neyrotarmoqlar amalga oshirmoqda. Biroq strategik qarorlar, muzokaralar va inson omili zarur bo'lgan murakkab masalalarda mutaxassislarning o'rni saqlanib qoladi.

Tarixiy tajriba shuni ko'rsatadiki, texnologiyalar ayrim kasblarni qisqartirsa-da, ularning o'rni-da yangilarini yuzaga keltiradi. Bugungi kunda sun'iy intellekt bilan samarali ishlashni ta'minlaydigan promt-injenerlar, xodimlarni yangi texnologiyalardan foydalanishga o'rgatuvchi trenerlar, algoritmlarning xolisligi va shaffofligini nazorat qiluvchi AI etikasi bo'yicha mutaxassislar hamda sun'iy intellekt yaratgan materiallarni tahrir qiluvchi muharrirlarga ehtiyoj ortib bormoqda. Soxta axborotlar ko'payayotgan bir paytda ma'lumotlarning is-



honchilligini tekshiruvchi faktchekerlar ham tobora muhim kasblardan biriga aylanmoqda. Kelajakda bugun g'ayrioddiy tuyulayotgan yangi mutaxassisliklar ham shakllanishi mumkin. Inson va sun'iy intellekt o'rtasidagi munosabatlarni o'rganuvchi AI-psixologlar, virtual olamlar uchun obrazlar yaratuvchi mutaxassislar, generativ dizayn bilan shug'ullanuvchi muhandislar yoki insonning raqamli merosini boshqaruvchi menejerlar shular jumlasidan. Texnologiyalar rivojlangani sari bunday kasblarga bo'lgan ehtiyoj ham ortib borishi tabiiy.

Biroq raqamlashtirish jarayoni insonning ayrim fazilatlarini qiymatini yanada oshirmoqda. Empatiya, mas'uliyat, tarbiya va jonli muloqot talab qiladigan kasblar o'z ahamiyatini yo'qotmaydi. Shifokor tashxis qo'yishda sun'iy intellektdan foydalanishi mumkin, ammo bemor taqdiri uchun javobgarlikni mashinaga topshirib bo'lmaydi. Psixologning samimiy muloqoti va ishonch muhiti, o'qituvchining tarbiyaviy ta'siri yoki jurnalist-tergovchining haqiqatni izlashdagi qat'iya-ti hamon inson omiliga bog'liq bo'lib qoladi.

Aydar NIGMATULIN

ФУТБОЛ ҲАМ ЖАНГ, ҲАМ САНЪАТ...

Футбол бўйича жаҳон чемпионати доирасида ўтказилган Ўзбекистон – Колумбия баҳсидан сўнг колумбиялик таниш адибнинг ёзган “телефонхати” мазмунини...

Тарихинг-ла юзма-юз турсам –
Довруғинг лол этар жаҳонни.
Армоним йўқ, бир бориб кўрсам
Даҳо юртинг Ўзбекистонни!

Ёзган эдинг... Эсимда бари
Қолганим рост таажубда ҳўп –
“Колумбдан ҳам анча илгари
Юртингизни Бобом толган”, – деб.

Чин кўнгилдан истаганинг дам,
Қисмат бурар чархи давронни.
Футбол сабаб қошимга Эгам
Олиб келди Ўзбекистонни!

Кўхна лотин тилидан мерос –
Умумбашар сўз эрур “Фанат”
Муҳлис бўлдинг ўзбекларга хос,
Фанат ичра яратдинг санъат...


Катта дўппи. Ноғора залпи –
Кўкни тутди ўзбаки оҳанг...
Ой-юлдузга ўранган ялли
Байроғингдан Осмон олди ранг!

Колумб аҳлин тутди ҳаяжон,
Сен голиб деб тасанно айтди –
Ол кўйлаки ўзбек болажон
Кубок кучиб йиғлаган пайти.

Бу майдонда ҳамма зўр! Қара!
Ҳамма Устоз... Йўқдир талаба.
Сен ҳам зўрсан! Бунда илк бора
Тўп тепишинг ўзи Ҳалаба!

Футбол ҳам жанг... Гоҳ тўплар зарби
Жон-жонингдан ўтиши мумкин.
Футбол – санъат! Ўзбеклар каби
Ютқазиб ҳам ютишинг мумкин...

Кўчқор НОРҚОБИЛ



КОЛУМБ
ДИЁРИДА
ЧАҚНАГАН
ОФТОБ

Битта йиғи билан рақибнинг юзин
Бизга буриб қўйган, эй Исфандиёр,
Дардли кўзларингдан айланай ўзим,
Кўз ёшингни ўпсин гул ўсган диёр.

Аламли нигоҳинг бўлди овоза,
Тўлиб кетди сурат тўрли очунга.
Эҳ, сен кўп билмайсан бизлар ҳам роса
Болаликда йиғлаб ўтганмиз бунга.

Биз ҳам дод солардик ёшингда сенинг,
Бир очко, битта гол етмай қоларди,
Мундиал аталмиш турнирларига
Бизнинг оҳ-фарёдлар ўтмай қоларди.

Қандайдир автогол, қандайдир хато
Булут солар эди кўёшимизга.
Эҳ-хе, ўттиз йиллик мундиалларнинг
Пойгаги тўлмишдир кўз ёшимизга.

Ҳа, мағлублик – алам, ғалаба – устун,
Бироқ вази бўлак ҳижрон тошларин.
Сен жуда бахтлисан, болакай дўстим,
Мундиалда оқиш сенинг ёшларинг.

Кубок-ла йиғлашлик бу катта даъво,
Жаҳжи юрагингда шу ажиб хитоб –
Гўё қайтиб келмиш асрлар аро
Колумб диёрида чақнаган офтоб.

Сен чиндан бахтлисан, Исфандиёржон,
Суратинг таралди афсоналарда.
Мундиалда оқи кўз ёшинг азиз,
Биз эса йиғлардик останаларда...

Хайрулла ҲАМИДОВ

ЁШЛАР УЧУН ЯНА БИР ИМКОНИЯТ

Бугун юртимизнинг турли ҳудудларида дастур доирасида боғдорчилик, сабзавотчилик, гулчилик, чорвачилик ва бошқа йўналишларда самарали лойиҳалар амалиётга татбиқ этилмоқда. Натижада илгари ишсиз бўлган фуқаролар ўз ер майдонидан унумли фойдаланиб, нафақат оиласининг даромадини оширмоқда, балки қўшимча иш ўринлари яратишга ҳам ҳисса қўшмоқда.

Хусусан, Тошкент туманининг “Мустақиллик” маҳалласида ушбу дастур доирасида аукцион орқали 40 нафар ёшга ярим гектардан ер ажратилди. 2,15 гектар ер майдони 5 нафар ёшга 30 йил муддатга ижарага берилиб, барчасига 25 турдаги атиргул кўчатлари экилди. Ёшлар бу имкониятдан унумли фойдаланиб, қисқа вақтда тадбиркорлик фаолиятларини йўлга қўйишди. Шундайлардан бир Саидолим Ахборовдир.

У ўтган йили дастур доирасида 0,5 гектар ер майдонини ижарага олиб, гулчилик йўналишида иш бошлаган эди. Бугун унинг дала майдони турли рангдаги гулларга бурканганини кўриб, бу қарор ўзини оқлаганини ҳис қилиш мумкин.

– Давлатимиз томонидан яратилётган имкониятлар

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)



бизни янада кўпроқ ишлашга ундайди, – дейди ёш тадбиркор. – Бир йиллик меҳнатимиз кўзни қувонтиради. Айни пайтда гулларни пойтахт бозорларига чиқаряпмиз. Савдо яхши бўляпти. Келгусида хорижий бозорларга чиқиш, иш ҳажмини кенгайтириш ва янги иш ўринлари яратишни мақсад қилганмиз.

Саидолим ернинг ҳар қаричидан унумли фойдаланиш мақсадида экин майдонининг четларига олма ва гилос кўчатларини эккан. Келгуси йилдан кўчатлар ҳам ҳосилга кириб, тадбиркорга қўшимча даромад келтирса, ажаб эмас.

Ўз муҳбириمиз
Меҳриддин ИБРАГИМОВ
олган суратлар

▼ Чоршанба сабоқлари

**Германияга ўқишга
борган бир араб йигит
хикоя қилади:**

“Германия саноатлашган, ўта ривожланган давлат. У ерда турли соҳаларга оид маҳсулотларнинг энг саралари ишлаб чиқарилади. Кўпчилик, бу мамлакат аҳолиси ниҳоятда тўкин-сочин, ўта дабдабали яшайди, деб ўйлайди. Сафаримдан олдин мен ҳам шу фикрда эдим. Ҳамбург шахрига келиб тушганимда, у ердаги танишларим бир ресторанга таклиф қилишди. Бордик. Қарасак, ресторанда одам кам. Бир нечта ёши катта аёллар бор. Бир четдаги столда ёш эр-хотин ўтирибди. Олдларида иккита ликобчада овқат ва иккита ичимликдан бошқа нарса йўқ. Биз ҳам бир столга ўтирдик. Қорин ҳам очқаб кетганди. Шундан шеригим кўпроқ овқатга буюртма берди. Овқат тезда келди. Таомланиб бўлиб, ту-

риб кетаётганимизда овқатнинг деярли учдан бири ликобчада ортиб қолган эди. Ресторан эшигига етиб бормаган ҳам эдикки, кимдир бизни қақирди. Қа-

дига бориб кимгадир сим қокди.

Кўп ўтмасдан, расмий кийимда бир киши кириб келди. У ўзини “ижтимоий таъминот муассаса”сининг

сўраб, 50 марка тўлади. Зобит самимий оҳангда: “Ортиб қолмаслигига кўзларинг етган таомга буюртма беринглр, пул ўзларингники, лекин ресурслар барча-

"ПУЛ ЎЗИНГИЗНИКИ, ЛЕКИН РЕСУРСЛАР БАРЧАНИКИ"

расак, ёши катта хонимлар ресторани бошлиғига нималарнидир гапиряпти. Билсак, улар кўп овқат қолдириб кетаётганимиздан дароз эканлар. Шеригим: “Ўзимиз буюртма берган овқат, пулини тўладик, сизларга дахли бўлмаган нарсасига нега аралашасизлар?!” деди. Хонимлардан бири бизга ғазаб билан қараб турди-да, телефон ол-

дига бориб кимгадир сим қокди.

Кўп ўтмасдан, расмий кийимда бир киши кириб келди. У ўзини “ижтимоий таъминот муассаса”сининг

ники. Дунёда кўплаб одамлар ресурс, озиқ-овқат тақчиллигига дуч келмоқда, сизлар эса исроф қилаясизлар”, деди.

Биз роса хижолатда қолдик. Унинг гаплари ҳақ эди. Шеригим ўша жиноят қозонини суратга олиб, ҳар биримизга эсдалик сифатида биттадан нусха берди.

Зобити деб таништирди. Бизга 50 марка жарима солди. Биз жавоб қайтара олмадик. Шеригим узр

ди. Биз уни ҳеч нарсани исроф қилмаслигимизни эслатиб турсин учун, хонамиз деворига илиб қўйдик!”



▼ Дарвоқе

Яшаш мезонлари:

АВВАЛ ВА ҲОЗИР

• Олдинлари одамлар бир-бирининг ёнига шунчаки, иши бўлмаса ҳам гурунглашиш учун бораверарди. Ҳозир гурунгда вақт йўқ. Иши бўлмаса, биров-бирова кўнгирак қилиши ҳам амримаҳол.

• Олдинлари кимдир раҳбар бўлиб тайинланса ўша кишини таниган-танимаган одамлар ғойибона: “Жуда яхшии, халқлар одам дейишди. Худовар назар қилган киши экан-да. Бўлмаса катта бўлармиди?”, деб яхши гумон қилишарди. Ҳозир эса энди

иш бошлаётган раҳбарнинг ёмон жиҳатини топишга уриниш урфга кириб борапти.

• Олдинлари муаллимлар болани уришса, ота-онаси ҳам муаллимни ёқлаб, фарзандига танбеҳ берар, ҳатто тарсаки ҳам таширарди. “Муаллим хато гапирмайди, тўғри қилибди”, дейишарди. “Ўқознинг урган жойи қийматда қуймасмиш”, дея матал ҳам айтиб қўярдилар.

Ҳозир эса бирор муаллим фарзандимизни уришиб қўйса, уни судга беришгача борапмиз.

• Олдинлари бирор киши ким биландир қўришиши керак бўлса, у билан бир ой олдин аҳдлашиб қўйса бас, ўша мазилга қўйилган вақтда бозар эди. Ҳозир телефонда юз марта келишилгандан кейин ҳам бирор нарса тўғри келмай қолиб, ваъдалар бузиляпти.

• Олдинлари одамларнинг сони кам эди, орзулар катта ва кўп эди. Ҳозир эса аҳоли кўп, аммо орзулар майдаллашиб қолди.

• Олдинлари яшаш учун яшардилар. Ҳозир эса пул топиш учун ишлашяпти. Яшаш урфдан қоляпти...

Шодмонкул САЛОМ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

TOSHKENT HAQIQATI
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

TOSHKENT
VILOYATI
HOKIMLIGI



“Toshkent haqiqati” va
“Tashkentskaya pravda” gazetalarini
tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV (tahrir hay'ati raisi),

Abdusamad NOSIROV, G'afurjon MUHAMEDOV,

Sayyora FAYZIYEVA, Abduvosit ABDURAZZOQOV,

Mahmud TOIR, Azamat MIRZAYEV,

Uskenboy ATEMOV, Abdulla XURANOV,

Otabek SULTONBEKOV, G'ayrat SHERALIYEV,

Kumush EGAMBERDIYEVA,

Olimjon BEGALIYEV, Sergey MUTIN

Bosh muharrir:

To'xtamurod HASANBOYEV

Mas'ul kotib:

Alloma AZIZOVA

Navbatchi:

Suhrobojon SADIROV

Ekspeditor:

Behruz NURBOBOYEV

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida
2011-yil 12-yanvarda
03-001 raqami bilan
ro'yxatga olingan.



Qabulxona: (55) 520-64-95. Bosh muharrir o'rinbosari: (55) 520-04-10.

Mas'ul kotib: (55) 520-05-10. Bo'lim muharrirlari: (55) 520-06-20, (55) 520-04-20.

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi: (55) 520-21-20.

e-mail: toshkentshaqiqati@umail.uz

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo'jayev tomonidan sahifalandi. Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

Manzil: 111500, Nurafshon shahri, Toshkent yo'li ko'chasi, 90. Toshkent shahridagi ofisimiz: Bektemir tumani, Ittifoq ko'chasi, 2. ISSN 2010-9318.

Bosishga topshirish vaqti – 20:00. Bosishga topshirildi – 21:20. Nashr ko'rsatkichi – 205.

8 080 nusxada chop etildi. Hajmi – 2 taboq. Buyurtma G-635.

Ofset usulida bosildi. Qo'g'oz bichimi A-2. Bahosi kelishilgan narxda.

«SHARQ»

nashriyot-matbaa

aksiyadorlik

kompaniyasi

bosmaxonasida

bosildi.

Korxona manzili:

Toshkent shahri,

Buyuk Turon

ko'chasi, 41-uy.